



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 19 май, чоршанба № 62 (709)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

18 май куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келган Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга қаратилган қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув ниҳоясида Ўзбекистон ҳукумати билан Ҳиндистон ҳукумати ўртасида ўзаро сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги Битим имзоланди. Хужжатга ташқи ишлар вазирилари имзо қекди.

Учрашувда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Факултетада ва мухтор элчиси Баскар Кумар Митра ҳозир бўлди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ - ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ

18 май куни Оксари қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, кўмита, концерн, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Президент Ислам Каримов бошқарди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва давлат бюджетига маблағлар, шу жумладан хорижий валюта тушумини кўпайтиришга оид қарорларнинг бажарилиши, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва давлатга тегишли акциялардан давлат бюджетига маблағлар келиб тушиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Кун тартибдаги масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси раиси В.Чжен, Молия вазири Р.Азимов ахборот берди.

Мажлисида Президент Ислам Каримов мулкчиликнинг янги шакллари жорий этиш иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида энг асосий, ҳаётий масала эканлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда



Суратда учрашув пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат (ЎЗА)



амалга оширилаётган инвестицион жараённинг асосий тамойилларидан бири хорижий сармояларни хусусийлаштирилаётган ва давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхоналар акцияларини сотиб олишга жалб этишидир. Бу борадаги ишлар доирасида жорий йилнинг биринчи чорагида 144 та давлат корхонаси хусусийлаштирилди, кўплаб корхоналарнинг катта миқдордаги акциялар пакетлари сотилди, бу билан давлат бюджетига бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ туширилди.

Умуман, корхоналар акцияларини сотиш бу йил янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг энг йирик устунларидан бўлган - Олмалик кон-металлургия комбинати ва маиший кимё заво-

ди, «Охангоронцемент» акциялари бўйича халқаро тендерлар эълон қилинди. Шу боис тендерларда иштирок этишни истовчилар сони ортиб бормоқда. Республика фонд биржасида 113 акционерлик жамиятига ҳам ана шундай хорижий инвесторларга сотиш ташкил этилди. Муайян соҳаларда корхоналарнинг йирик акциялар пакетларини сотиш бўйича ўзига хос тизим ишлаб чиқилди. Бу борада «Ўзқишлоққўжаликмаш-холдинг» компаниясида муайян ижобий натижаларга эришилди. Европа тараққиёт ва тиклаш банк билан ҳамкорликда республикамизнинг бир неча банкларини хусусийлаштириш тартиби тайёрланди.

Аммо бу борада кўплаб тармоқларда ҳали камчиликлар мавжуд. Жумла-

дан, телекоммуникация тармоқларини хусусийлаштиришда техникавий ривожланиш дастурларининг йўқлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. «Ўзбекнефтегаз», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзенгилса-ноат»да ҳам ана шундай қониқарсиз аҳвол ҳукмрон.

Президент Ислам Каримов дунё бозорларидаги инкироз хусусийлаштириш ва хорижий инвестицияни жалб этиш борасидаги ишларни амалга оширишдаги оқсашлар учун баҳона бўлолмастлигини таъкидлади. Зеро, жануби-шарқий Осиё бозорларидан кетган маблағлар қаергадир сарфланмоқда. Бу сармоялар нега бизнинг мамлакатимизга ётқизилмаганлиги устидан баҳра мутасадди раҳбарлар жиддий ўйлаб кўриши лозим, деди йўлбошчи-

зидент. Бу эса ўз навбатида одамларнинг ортиқча маблағларини корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтиришга ёрдам беради. Бунинг учун ҳар бир фуқаро дивиденд бўйича тўловларни ўз вақтида олиши, акция яна бир даромад манбаи эканлигини тушуниб етиши даркор.

Президентимиз хусусийлаштириш ва акциялар сотиш борасидаги камчиликларнинг объектив сабаблари қаторида корхоналардаги оғир молиявий аҳволни, чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардош эмаслигини ҳам кўрсатиб ўтди. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналари бўлмаган мамлакатнинг келажиги йўқ, дея таъкидланди мажлисида. Кўп ҳолларда тажриба камлиги,

Шу боис, фуқаролар орасида мамлакатимиз келажиги, иқтисодий ислохотлар муваффақияти учун хусусийлаштириш жараёнининг нақадар муҳимлиги ҳақида соғлом фикр-ни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, деди Пре-

хорижий воситачилар жалб қилинмаганлиги, реклама ва аудитга эътиборнинг йўқлиги, бюрократик тўсиқларнинг кўплиги, раҳбарлардаги эскича фикрлаш ва самарали механизмларнинг йўлга қўйилмаганлиги ҳам ортиқча муаммоларни юзага келтирмоқда.

Мажлисида корхоналар акцияларини сотиш бўйича Республика тендер комиссияси ҳуқуқларини кенгайтириш, савдога қўйиладиган корхоналар хужжатларини тайёрлашда уларга кенг ёрдам кўрсатиш, дивидендлардан олинадиган даромадларни солиқдан озод қилиш юзасидан мутасадди идоралар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, В.Голишев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик Кенгаши котиби М.Раҳмонкулов, Президент Девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й.Назаров, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова қатнашди.

Бехозор УСМОН, ЎЗА мухбири.

АҚШ Савдо вазирининг маслаҳатчиси Ян Калицки бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясида бўлди. Икки кун давомида пойтахтимизда «Интерконтенентал» мехмонхонасида савдо, сармоя, энергетика ва конверсия бўйича «Ўзбекистон-АҚШ» Қўшма комиссиясининг мажлислари бўлди.

Делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасида, «Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири билан учрашувлар ўтказди. Пойтахтимизда иш бошлаган «Нефт ва газ - 99» учинчи халқаро кўргазмасининг очилишида иштирок этди. Шунингдек, қадим ва навқирон Хивани ҳам зиёрат қилди.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Делегация раҳбари Ян Калицки ташриф якунларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида учрашувларнинг самарали ўтганини таъкидлади.

Ян Калицки АҚШ Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритаётган асосий шериклардан бири эканидан мамнунмиз, деб таъкидлади. Ҳозир Ўзбекистонда 75 дан зиёд АҚШ фирма ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Лекин, деб сўзида давом этди Я.Калицки, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларимиз имкониятлар даражасида эмас. Шу боис қўшма комиссия ишига оид ҳисоботда биз ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган таклифларимизни баён этдик. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, таклифларимизнинг асарияти ўзбекистонлик мутахассислар томонидан илқ кўтиб олинди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг стратегик жиҳатларига тўхталар экан, Ян Калицки АҚШ Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни ва бу Американинг миллий манфаатларига ҳам мос эканлигини таъкидлади.

Мусулмон НАМОЗ, ЎЗА мухбири.

Қашқадарё вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» вилоят маркази Аёллар йилига бағишлаб Қарши шаҳридаги 1-қасб-хунар коллежиде «Аёлнинг жамиятдаги ўрни» мавзусида мулоқот ўтказди. Унга талаба қизлар ва оила бекалари таклиф этилди.

Талабалар ҳузурда сўзга чиққан қизларнинг маънавий оламиини бойитиш, уларни ҳаётга, ижтимоий фаолликка тайёрлаш, бу борада оила, мактаб ва маҳалланинг ўрни хусусида гапирдилар.

Қизлар билан мулоқот

Қашқадарё вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» вилоят маркази Аёллар йилига бағишлаб Қарши шаҳридаги 1-қасб-хунар коллежиде «Аёлнинг жамиятдаги ўрни» мавзусида мулоқот ўтказди. Унга талаба қизлар ва оила бекалари таклиф этилди.

Талабалар ҳузурда сўзга чиққан қизларнинг маънавий оламиини бойитиш, уларни ҳаётга, ижтимоий фаолликка тайёрлаш, бу борада оила, мактаб ва маҳалланинг ўрни хусусида гапирдилар.

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

Назорат

ҚўНҒИРОҒИНГИЗНИ КУТАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлисининг ХІУ сессиясида иқтисодий соҳани эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида гапириб, турли хил текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асосиз аралашувларга чек қўйиш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтдилар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ҳузурда текширилаётган ҳўжалик субъектлари шикоятларини қабул қилиш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Гуруҳ Вазирлар Маҳкамаси биносида жойлашган. Корхона раҳбарлари, кичик

ва ўрта бизнес вакиллари, бошқа юридик ва jisмоний шахслар, текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан содир этилаётган барча қонунбузарликлар ҳақида гуруҳга 139-80-31, 139-80-37, 139-80-38 рақамли «Ишонч» телефонлари орқали маълум қилишлари мумкин.

Шундай «Ишонч» телефонлари ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ҳокимликлари ҳамда давлат солиқ бошқармаларида ҳам ишлаб турибди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг ҳудудий комиссиялари Сиз берган маълумотлар асосида шодилинч чоралар кўради. Комиссияларнинг телефон рақамлари билан танишинг:

Вилоятлар	Код	Телефон рақамлари
		Ҳокимликлар ! давлат солиқ бошқармаларида !
1. Қорақалпоғистон Республикаси	36122	2-13-31
2. Андижон	3742	25-58-04
		22-17-45
3. Бухоро	3652	4-28-94
4. Жиззах	37222	3-02-80
		3-34-36
5. Қашқадарё	37522	4-39-73
6. Навоий	43622	3-00-75
7. Наманган	36922	6-51-72
8. Самарқанд	3662	35-20-30
		33-18-84
9. Сурхондарё	37622	2-74-66
		2-01-91
10. Сирдарё	3672	25-21-57
11. Тошкент		133-73-00
12. Фарғона	3732	24-43-84
13. Хоразм	36222	6-51-24
		6-54-25
14. Тошкент шаҳри		133-15-32
		55-67-42

Марҳамат, режасиз ва ноқонуний текширувлар ўтказиб, ишингизга ҳалакат бераётган текширувчилар, тафтишчилар, назоратчилар ҳақида Вазирлар Маҳкамасидаги гуруҳга ва жойлардаги ҳудудий комиссияларга маълум қилинг. Бундай қонунбузарларга қарши биргала-

шиб курашсақгина, жамиятимиз тезроқ покланади, қонун устуворлиги таъминланади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ишчи гуруҳи

Долзарб

Ўсиб келаётган ёш авлодни қандай қилиб мустақиллигимизга ёт гоёлар таъсиридан асраш, қандай қилиб ўз манфаатини Ватан, халқ манфаатидан айри кўрмайдиган эркин, ҳар томонлама ривожланган кишиларни тарбиялаш мумкин? Олий ва ўрта таълим вазири Тошкентда ташкил этган республика кенгашида шу ҳақда гап борди. Кенгашида республика олий ўқув юртининг ректорлари, проректорлари, деканлари ва декан ўринбосарлари, кафедра мудирилари иштирок этди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидан бориб, тобора ривожланмоқда. Мамлакат раҳбарияти фуқароларнинг эркинлиги ва эътиқодини қонуний равишда ҳимоя қилишни таъминлаш учун барча зарур шароитларни яратмоқда. Ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатда амалга оширилаётган Миллий дастур талабларига мувофиқ равишда мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу вазифани бажариш асосан таълим тизими ҳодимлари зиммасига тушади. Бирок, семинарда

ТАРБИЯДА ГАП КЎП

қайд этилганидек, бу иш ҳали кўнгилдагидек эмас, 16 феврал воқеалари бунинг тасдиғидир. Бу маълум воқеалар турли-туман диний экстремистик ташкилотларнинг таъсирига тушиб қолган айрим ёшлар ана шу ташкилотларнинг ёвуз гоёлари билан заҳарланганини яққол намоён этди. Бу ташкилотлар ҳали гўр, тажрибасиз ёшларни ўз турларига тушириб, уларнинг онгини турли йўللар билан заҳарлашга уринмоқда, уларни ўз халқининг ашаддий душманига айлантириш учун ҳар

қанча маблағни аямай сарфламоқда.

Шу муносабат билан кенгаш катнашчилари ўз нутқларида ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида тарбиявий ишни янада жонлантириш зарурли-

гини таъкидлашди. Бу иш самарали бўлиши учун энг аввало экстремистик ташкилотларнинг ёшларга таъсир кўрсатиш усулларини ўрганиш, шундан кейин уларга қарши ўз усулларини ишлаб чиқиш лозим. Олий ўқув юртинларида таълим олаётган йигит ва қизлар бу ташкилотларнинг ҳақиқий ёвуз ниятларидан тўла хабардор бўлиши керак. Уларга халқимиз танлаб олган мустақиллик мафкурасини, инсонпарварлик гоёларини, умуминсоний қадриятларини қарши қўя олиши лозим.

Энг муҳими, деб таъкидланди кенгашда, бу иш онда-сонда эмас, ҳар кун, талабалар аудиторияларидагина эмас, ётоқхоналарда, маҳаллаларда ҳам, ҳар бир ёш авлод вакили билан алоҳида равишда олиб борилиши керак. Олий ўқув юртинлари ўқитувчилари ёшларни тарбиялашда маҳалла кўмиталари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан янада фаолроқ ҳамкорлик қилиши, қўшма тadbирлар, учрашувлар, суҳбатлар ўтказиши лозим. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина йигит ва қизларимизни Ўзбекистон халқи мустақилликка эришганидан сўнг ўз олдига қўйган улкан вазифаларни чуқур идрок этиб, ҳар қандай душманлик руҳидаги таъсирларга ўз Ватанининг буюк келажигига бўлган ишончини қарши қўя оладиган кишилар қилиб тарбиялаймиз.

А.ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

Шу куннинг муҳим воқеаси

Бугун кўҳна Самарқанд шаҳрида Республика Аёллар спартакиадаси тантанали суратда очилади.

Махсус мухбирларимизнинг бу ҳақдаги ҳисобот мақолалари билан газетамизнинг навбатдаги сонларида танишасиз.

МЕХНАТДАН АРДОҚ ТОПГАНЛАР



Халол меҳнат билан обрў топган инсон ҳамиша эл ардоғида бўлади деб беҳиж айтмаганлар. «Ўзбекистонга қарашибди» давлат уюшмасига қарашли «Юлдуз» очик турдаги акционерлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳар жабҳада ушбу иборани ибрат деб билдилар.

Айниқса тажрибали мураббийлар акционерлик жамиятига келаётган ёшлар фаолиятига алоҳида эътибор

қаратганлар. Хусусан қарийб 30 йилдан бери ушбу жамоада меҳнат қилаётган тажрибали устоз Ҳабиба Абдухалиқова мана шундай инсонлардан биридир. Бугунги кунда биринчи бичувчи цехи бошлиғи Ҳабиба опа ўз касб-маҳоратлари ва ютуқлари сирини шогирдларига ургатишни устозлик бурчи деб билди.

Шу боис ҳам «Юлдуз»да янги иш бошлаган ёшлар ус-

тозларидан миннатдордирлар.

Суратларда: 1. Ёш ишчи Наргиза Йўлчиева келажакда ўз устозларига ўқ-шанини ният қилган. 2. Жамоанинг 1-бичувчи цехи катта устаси Айша Штанчаева илгор бичувчи Жамшид Санакуловга ўз маслаҳатларини бермокда.

Г.ХАРИТОНОВ суратлари.



Суратларда: 1. Ёш ишчи Наргиза Йўлчиева келажакда ўз устозларига ўқ-шанини ният қилган. 2. Жамоанинг 1-бичувчи цехи катта устаси Айша Штанчаева илгор бичувчи Жамшид Санакуловга ўз маслаҳатларини бермокда.

Касаба уюшма ҳаёти

Ўзбек аёли... Бугунги кунда у она, уй бекаси, сеvimли ёр бўлибгина қолмасдан жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари юзга келтириётган вақтинчалик кийинчиликларни тезроқ бартараф этиш ҳаракатининг олдинги сафларида бермокда. Шундай экан, хотин-қизларнинг иш жойларида улар учун яратилган шарт-шароит ҳам талаб даражасида бўлиши керак. Ҳўш, бу борада Наманган вилоятида ахвол қандай?

Шуниси қувончлики, қатор ишлаб чиқариш тармоқларида, хусусан, кичик, ўрта ва хусусий корхоналарда ишловчи аёлларга зарур меҳнат шароити яратиш масаласига эътибор кун сайин қунайтирилмокда. Саноат шахобчаларининг маъмуриятлари касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаётган хотин-қизларнинг саломатликларига зиён етмаган ҳолда унумли меҳнат қилишлари учун керакли имкониятларни вужудга келтириш, меҳнат самарадорлигига эришиш чора-тадбирларини кўрмокдалар. Ҳў навбатда касаба уюшма ташкилотлари бу мақсадни фаолиятларининг мезонига айлантирилмокдалар. Жамоа шартномалари бандларининг асосий қисми ҳам шу йўналишга қаратилган бўлиб бу нарса ушбу қонуний ҳужжатда бошдан-оёқ ўзининг яққол ифодасини топиб бормокда. Масалан, Тўрақўрғон туманидаги «ШАМ-ЛТД» гурўти ишлаб чиқарувчи хусусий корхонада бўлганимизда шундай ижобий ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда жамоанинг асосий қисмини

беллашуви кўпчиликида катта таассурот қолдири. Беллашув қилинган маъмурият ва касаба уюшма кўмитасининг қимматбахо совринлари билан муқофотландилар. Уйчи туманидаги Хитой билан ҳамкорликда барпо этилган «Лола-узур» чой қадоқлаш қўшма корхонаси

АЁЛГА АВВАЛ ЭЪТИБОР КЕРАК

хотин-қизлар ташкил этади. Бинобарин маъмурият ва касаба уюшма ташкилотлари улар ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда меҳнат шароити яратишга интиломқдалар. Биз касаба уюшма кўмитасининг раиси Надежда Кирлан билан иш жойларини кўздан кечирган ва ишчилар билан суҳбатлашган вақтимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Аввало, иш жойлари озода, ёруғ ва мунтазам равишда янги ҳаво алмашиб туради. Энг диққатга сазовор томони бу ерда ишлаётганлар учун тушлик овқатлар бепул. Ишчилар ошхонаси ҳам санитария талаблари даражасида. Шу билан бир қаторда овқатлар тўйимли, мазази. Бундан ташқари, йилга бир мартадан махсус иш кийими билан таъминланмокда. Наврўз байрами кунларида аёллар ўртасида ўтказилган «Иқ-

қилаётган сўт махсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида бутунлай тескари ҳолатни кўрасиз. Ишлаб чиқариш бинолари авария ҳолатига келиб қолган. Дам олиш ҳонаси тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ювенили хонаси талаба жавоб бермайдди. Меҳнат хавфсизлиги масаласи ҳам эътибордан четда. Юрбошимиз ташаббуси билан эълон қилинган Аёллар йиллида хотин-қизларга имтиёзлар яратиш фикри, чамаси, бу корхонадагиларнинг етти ухлаб тушлариға кирмаган шекли. Учқўрғон туманидаги «Сано» хусусий корхонасидагилар 1999 йилнинг ўзига хос талабларини ҳали ҳануз тўла англаб етмаган кўринадилар. Негаки, бу ерда ҳам ишлаётган хотин-қизларга зарур меҳнат шароити яратиш, улар оғирини енгиллатиш, иложи борича қўлаб-қувватлаш ҳеч қимнинг эсига келмайдди. Шунингдек, ушбу тумандаги «Урдабек» тикувчилик кичик корхонасида, Норин ва Наманган туманларидаги ҳамда Наманган шаҳридаги айрим саноат шохобчаларида ҳам ишлаётган аёлларга яратилган шарт-шароитдан қўнғил тўймайди.

Афсуски, вилоятдаги барча кичик, ўрта ва хусусий корхоналарда юқоридагидек ижобий шароит яратилган деб бўлмайди. Масалан, «Лола-узур» қўшма корхонаси билан бир туманда жойлашган Нодиржон Ризаев раҳбарлик

Усмонжон ТУРҲУНОВ, Наманган вилояти тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгашининг йўриқчиси. Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Термиз давлат университети ҳузуридаги «Ўқитувчи» санаторий-профилакторийси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кўмитаси тасарруфига ўтгач, катта ўзгаришлар юз берди. Шарт-шароитлар яхшиланди. Университет маъмурияти қўшимча хоналар ажратиб берди. Ҳозирда, 28 та палата бўлиб барчасида радио приёмник, телевизорлар бор. Сихатгоҳ теннис, бильярд, спорт анжомлари хоналарига эга. «Маънавият ва маърифат» хонаси ёшларнинг энг гавжум жойларидан биридир.

Санаторий-профилакторийда бир пайтда 65 нафар ўқитувчи ва талабалар соғлиқларини қайта тиклашди. Уларга тажрибали шифокорлар, ҳамширалар намунали тиббий хизмат кўрсатишмокда. Унлаб тиббий ускуналар беоморларнинг ихтиёрида.

Беморларга 3 маҳал бепул овқат берилмокда. Ректорат томонидан сихатгоҳга ҳар чоракда 150 минг сўм ажратилмокда. Университет ректорати санаторий-профилакторийни таъмирлаш, турли жиҳозлар билан таъминлашни зиммасига олган. Сихатгоҳни озик-овқат, дори-дармон билан таъминлаш, ишчи-ходимларнинг оғрик маошларини ўз вақтида бериб бориш ва бошқа қатор моддий ёрдамлар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси маъсулиятида бўлмокда.

Рустам ДАВЛАТ.

Табба - тазарру

БАҒРИКЕНГЛИК - ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов журналистлар билан бўлган суҳбат чоғида диний экстремистик оқимларга адашиб кириб қолганликларини, шу сабабли уларни афв этишларини сўраб мурожаат қилди, - дейди А.Тўрғунбоев. - Биз улар билан тушунтириш суҳбатлари ўтказдик. Улар келгусида қонунбузарликка йўл қўймаглиги лозимлиги, агар юқоридаги каби диний оқимларга кирганлари тақдирда улар жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги ҳақида оғохланрилди. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, афв сўраб келган фуқаролар кечирилиб, уларига, ота-оналари, бола-чақалари бағрига қайтарилди. Масалан,

К.НИЗОМОВ, ЎЗА муҳбири

ФАЙЁЗТЕПА «СИРИ» ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистон жанубида қазиб ўрганилаётган археологик ёдгорликлар мўзий сир-синоатларидан сўзловчи қимматли манбадир. Ана шундай ёдгорликлардан бири эски Термиз яқинидаги Файёзтепа бўлиб, бу ерда 1968—1974 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси археология институти олимлари томонидан олиб борилган қазилма ишлари давомида эрамининг I-IV асрларга оид ёдгорликлар намуналари - ок мрамрдан ясалган Будда ҳайкали, уч қисмдан иборат ибодатхона, буддавийлик билан боғлиқ суратлар, ёзувлар, қадимий тан-

Чори ТҲҲТАЕВ, ЎЗА муҳбири

ХОРИЖИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ҚЎЛ КЕЛДИ

Қашқадарё вилояти Китеб туманидаги «Қашқадарё-марм» хиссадорлик жамиятида хорижий технологияларни жорий этишга жиддий эътибор қаратилмокда. Шу мақсадда Италияда ишлаб чиқарилган энг замонавий ускуналар ўрнатилди. Қарийб 2 миллион 200 минг АКШ долларига сотилиб олинган бу асбоб-ускуналар тўла қувват билан ишга туширилган, корхона йилига 3 минг кубметрга мармар қазиб олиш ва 60 минг квадрат метр мармар плита ишлаб чиқариш имконига эга бўлади. (ЎЗА)

Кундалик ҳаётимизнинг, кеча ва бугунимизнинг, келажакнинг бирор бир қирраси йўқки, Аёл-Она, Аёл - мураббий, Аёл - меҳнаткаш, захматкаш инсоннинг унда фаол аравашуви бўлмасин.

Она - фозила, тадбиркор, тежамкор бўлса, ўз-ўзини теран англаса, сабрў қаноатли бўлса, жамият, фарзандлари, турмуш ўртоғи олдидаги маъсулиятини чуқур ҳис қилсагина - Аёл деган муқаддас номни оқлай олиши мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, республикада олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг тенг ярмини аёллар ташкил этади. Илмий ходимларнинг 37 фоизи, шу жумладан, фан докторларининг 11, фан номзодларининг 26 фоизи хотин-қизлардир. Ўзбекистонда

Истиқлол берган имкон

БОҚИЙ САРЧАШМА

икки нафар аёл Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий, 9 нафар аёл эса мухбир аъзоси. 16300 нафардан ортиқ аёл илмий-тадқиқот муассасаларида ишлайди. Улардан 196 нафари фан доктори, 2916 аёл фан номзодларидир. Бугунги кунда бизнинг йўлдош Охунбоев номили Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти-мизда 84 нафар профессор ўқитувчи аёллар фаолият кўрсатаёттир. Зеро бизнинг олимпиадаларимиз нафақат оила фаровонлигини таъминлаш йўлида жон қуйдирувчи, балки жамоамизни жипслаштирувчи, эзгулик йўлига бошловчи меҳрибон, мурувват-

ли, садоқат соҳибаси эканликларини алоҳида таъкидлашни истардим. Биз техника фанлари доктори М.Абдукаримова, иқтисод фанлари доктори, доцент Н.Рохатова, техника фанлари номзодлари Г.Қурбонова, Д.Худойбердиева, С.Қамолова, катта ўқитувчи, хотин-қизлар кенгашининг раиси М.Абдуллаева, бўлим бошлиқларида М.Арифжанова, У.Мақсудова, кутубхона мудири Г.Ботирова сингари салоятли аёлларимиз билан фахрланамиз. Олимпиа аёлларимизни зиё булоғига қиёслагим келади. Чунки бу булоқдан барча баҳраманд. Жамиятнинг, миллатнинг беқиёс ривожини, юртнинг гул-

Меросимизни ўрганамиз

Соҳибқирон Амир Темур томонидан яратилган қулай, шарт-шароитлар тўғрисида Мовароуннахр унинг ворислари даврида ҳам анча ривожланди.

XV асрда мамлакатнинг Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шахрисабз), Тошкент, Шохруҳия (Банокат), Термиз ва бошқа кўпгина шаҳарлари гавжумлашиб, ўзининг топографик қиёфаси, аҳолисининг касб-ҳунари, ички ва ташқи алоқалари билан ўрта асрлар шарқининг намунали хунармандчилиги ва савдо марказига айланди. Меъморчилик кенг ривож топди. Маҳобатли бинолар, саройлар, масжиду-мадрасалар, хонақою-мақбаралар, ҳаммомлару қарвонсаройлар қад кўтарди. Шаҳар атрофлари йирик суғориш тармоқлари ва турли хил сув иншоотлари воситасида суғорилиб, ўнлаб бог-роғлар ва бўстонлар барпо этилди. Самарқанд атрофида Боғишамол, Боғибеҳишт, Боғибаланд, Боғизагон, Бухоро теъарағида Боғиомдон, Боғитуркон, Боғинурафшон, Бо-

лаб, уларга нисбатан қаттиқ чоралар кўришга солиқчиларнинг ҳақиқий йўқи эди. Солиқ миқдори ва тулов тартибини бузмасликка, суистеъмоликнинг олдини олишга ҳаракат қилинган. Тартибга амал қилмаган айрим маъмурлар жазага тортилгани маълум.

Бу даврда ички ва ташқи савдога катта аҳамият берилган. Хитой, Ҳиндистон, Тибет ва бошқа кўпгина давлатлар билан савдо алоқалари олиб борилган. Бу борада савдогарлар учун қулай шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Эълчилар «Буюк Ипак йўли» хавфсизлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширилганлар.

Мамлакат иқтисодиётининг аҳоли, айниқса, хунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, товар-пул муносабатлари миллий валюта мустаҳкамлигига бевоқифа боғлиқ. Маълумки, пулнинг учта асосий вазифаси мавжуд: 1) қиймат ўлчови; 2) алмашув воситаси; 3) жамғар-

УЛУҒБЕК ВА ИСЛОҲОТЛАР

ғиафзал, Боғидилқушо ва бошқа кўп-лаб обод (Ҳазарбоғ, Мингчинор) қишлоқлар ва боглар барпо этилди. XV асрда яшаб ижод этган машҳур тарихчи Ибн Арибшоҳ ўз асарларида тилга олган Бўстон ул-Элам, Зийнат уд-Дунё, Жаннат ул-Фирдавс, Бўстон уш-Шимол ва бошқа бог-роғлар шулар жумласидандир.

Ушбу ободончиликка хунарманд, меъмор-бинокор, нақшошлар билан бир қаторда олим фозиллар, шоирлар бастакорлар барилашиб, илм-фан ва санъатнинг равнақиға улкан ҳисса қўшдилар. Кўп-лаб янги мадрасалар қурилди, уларда албатта олийиёт илмлари билан бирга риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, илми аруз, тарих, фалсафа каби дунёвий билимлар ҳам ўқитилгани ижобий воқеадир.

Кўп йиллар давомида мамлакатни бошқарган Улуғбек (Муҳаммад Тарағай) Самарқандда расадхона қурдирибдики, бу жой ўз даврининг «Дор ул-илм» академиясига айланди. Унда математика, астрономия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Мирам Чалабий, Али Қўшчи ва бошқа кўп-лаб олим фозилолар ижод этганлар. Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий равнақи ана шундай инсонларнинг ақлий ва жисмоний фаолияти натижалари билан чамбарчас боғлиқ.

Улуғбек (1394-1449) қирқ йил давлатни бошқарган бўлишиға қарамасдан, тарихда кўпроқ давлат ароби сифатида эмас, бунёдкор инсон, юксак эҳли олим сифатида машҳурдир. Унинг дони дунёға кетган астрономия, тарих илмларига оид асарлари мавжуд. Мазкур мақолада биз Улуғбекнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти алоҳида эътибор бермокчимиз. Бу даврда мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлган қишлоқ ҳўжалиғига, суғориш ишлариға алоҳида қўн қилинади, бундан ривожланиш бўлмаслигини ҳоқимлар яхши тушунишган. Суғориш тармоқлари қурилиб, улар тошқовуз, дарғот, наво, чигир, чархпалак, қайнама, шаршара, осма кўприк, ҳандоқ, тазар ва сардобалар каби турли-туман сув иншоотлари билан жиҳозланди.

Иқтисодий ривожланишининг солиқ тизими билан чамбарчас боғлиқлиғи яхши маълум эди. Солиқ йиғими қанча юқори бўлса, ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлиғи шунча қамдир, аммо солиқнинг пастиғи аҳоли учун қулай бўлгани билан давлатнинг бошқарув, мудофаа ва бошқа мақсадларига доимо тўри келавермайди. Шуларни яхши тушунган ҳўкдорлар солиқни иложи борича меъёрида сақлаш ва уни йиғишининг маълум адолатли усулларини қўлаганлар. Масалан, Улуғбек ҳўкморчилиғи даврида галла гарам қилинмасдан аввал солиқ тўлаш қатъиян манъ этилган, чунки деҳқон ҳосил йиғиб олгангина реал солиқ тўлаш имконига эга бўлади. Солиқ олиқ уч мuddатда, деҳқон ҳосили пишишга қараб бўлинган: 1) саросин (июнь-июль), 2) сўмбўла-мезон (август ва сентябрь) ва 3) қавс (ноябрь). Яна бир муҳим масала шуки, солиқларни йиғиш пайтида солиқчилар деҳқон, чорвадор ёки богбонга нисбатан зуғум ўтказмаслиғи, жисмоний куч ишлатмаслиғи ва ишни уруш-жанжалга олиб бормаслиғи зарур қилиб қўйилган. Бу билан инсоннинг ҳақ-ҳўқуқи, яшашга бўлган дахлсизлиғи таъминланган.

Умуман, солиқ бўйича қарздорларни банди қилиш ва занжир билан кишан-

ма воситаси. Агар пулнинг миқдори, унинг нуфузи мустаҳкам бўлмаса, иқтисодиёт псонгиси, мувозанати бузилади. Шуларни ҳисобга олиб, вақти-вақти билан пул ислохотлари ўтказиб турилди. 1428 йил Улуғбек томонидан ўтказилган ислохот катта ижобий аҳамиятга эга бўлди. Муомаладаги фулурчи пуллар алмаштирилди.

Аҳолини ички чакана савдо муносабатларига кенгроқ жалб этиш мақсадида Улуғбек нисбатан энгил вазнда зарб этилган ва муомалада юрган барча чакаларни маън қилган. Эски чакалар қисқа вақт давомида янги фулурларға алмаштириб олинди ва эндиғи вазифа мис пуллар зарбини (эмиссия) марказлаштириш мақсадида бошқа шаҳарлардаги зарбхоналарға барҳам берилиб, фақат Бухоро зарбхонаси сақлаб қолинди. Бу ҳам беҳиж эмас, чунки бу ҳудудда қонлар кўп бўлган.

Иқтисоддағи мазкур ислохотлардан қутилган натижа пулнинг кадр-қиммати ошириш, одамларда пулга бўлган ишонч-ни ошириш эди. Халқ орасида «фулур адлия», яъни «адолатли чак» номи билан шўҳрат топган бу янги пуллар Мовароуннахрнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг муомалаға қиришди, давлатнинг ички савдосини нақдина билан тўла таъмин этди. Ички чакана савдо муносабатларида пул танқислигини фулуснинг вазни ва қийматини ошириш йўли билан ҳал қилиниши ўша даврда нодир ва фақулдда воқеа бўлган ва шу йўл билан мамлакат хунармандчилиги ва қишлоқ ҳўжалиғи маъсулоти савдоси учун қулай шароит яратилган. Олди-сотди жараёнлари жонланиши оқибати ўлароқ мамлакат иқтисоди ривож топди.

Улуғбек шундай бир чора-тадбир қўрдики, унинг муҳим ижобий томони мавжуд. Бу «тамга» божининг анча оширилишидир. Бу усул давлат хазинасини бойитишға ёрдам берди. Аммо хориж савдогарлари учун бу йўл ҳаммиша ҳам қулай бўлавермайди. Ҳозирғи давр тили билан айтсак, протекционизм сиёсати қўлланилган. Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтмоқчимизки, ҳозирғи кунда ҳаммага яхши таниш бўлган русча «томожня» сўзи аслида туркий бўлган «тамга божи» сўзларидан олинган, бу эса ўз даврида мамлакатимизда савдо-сотик муносабатларининг ниҳоятда ривожланганлиғидан бир нишондир. «Олам савдо-сотик ила ободдир» деган нақл ҳам бизнинг заминда яралган.

Улуғбек илм фан ривожига катта ҳисса қўшди. У замин олдин ўтган танкили барча олим фозилоларнинг асарларини яхши билган. Шу соҳани ривожлантириш учун шахсан катта ҳисса қўшди. Хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму-маърифат ўчоғига айлантиришға интилди. Унинг Фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417-1420 йилларда Самарқандда ва 1433 йилда Гиждувонда мадрасалар бунёд этилди. Бухородаги мадрасанинг дарвозасига: «Билим олиш ҳар бир муслмон аёл ва эркакнинг бурчидир», деган қалима ўйдириб қилинган. Бу мамлакатдаги барча жабҳаларга илмнинг қанчалик аҳамиятли эканлигини ёрқин тасдиқловчи мисолдир.

Илм-маърифат асосида қурилган давлатларнинг барча соҳаларда обод бўлганлиғи яхши маълум.

Донишманд бобоимиз юртни обод этиш, юрт фаровончилигини оширишнинг маърифатли йўлини топганлари аён.

Абдуқалил РАЗЗОҚОВ, профессор.

Абдуқалил РАЗЗОҚОВ, профессор.

Абдусаттор АБДУҒАФФОРОВ, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ректорининг биринчи муовини.

Гулойим ўзи тўқиган гиламларига қалб кўрини ҳам сингдира олади. Ҳозирда Муборак туманидаги «Эргаш» кичик корхонасида ишлаб чиқарилаётган гиламлар эҳтимол, шу бондан ҳам нодир, бебаҳо дир. Яқинда Гулойим Велиеванинг ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Унга Юртбошимиз Ислам Каримов мақдулари ва эсдалик совгалари топширилди.

ЭҲТИРОМ



Дил рози ҚЎШИҚ

Зумрад хола ғалати туш кўриб уйғонди. Кўкрагидаги сим-сим оғриқдан бўшаганича бироз шифтга термулиб ётди. Нафаси қисилиб ўрнидан турди. Секин бориб деразани очди. Хонага баҳор хавоси ёпирилиб кирди. Дераза раҳидаги гулларни суриб туришди. Чамандек соя ташлаб ётган боғ-ўрик гулининг хушбўй ҳавоси димоққа урилди.

Узоқ-узоқлардан мунгли кўшиқ таралмоқда: **Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади,**

Кўзларимга кеча тонг отгунча уйку келмади.

Дарёдай сокин оққан бу кўшиқ, минг хил оҳанг касб этиб янграётган бу фарёд негадир эзмас, дилга нур куйилиб келаётгандай эди, гўё.

Унда мислсиз-фақат қалб хислари билангина илғаб оладиган ўзгача бир дард бор. Бу ўз ёридан узокда ҳижрон дарди чекаётган ситамгар санамнинг аламли ва айни замонда ёруғ муҳаббати, орзу умидлари, оҳанглар ижросида изҳор этаётган дил розлари.

Узоқ-узоқлардан мунгли кўшиқ таралмоқда.

Унинг нолаи сел бўлиб бутун оламни ювиб кетаётгандай. Замин кўксидидаги азим дарахтлар, сайроқи кўшлар, гул-майсалар севиқлисининг йўлларига зор-интизор кўз тикиб турган анани бағри қон бевага бош эгиб тазйим қилаётгандай...

Ёстиқдошини уруш қиронига юборганига роппароса 58 йил бўлибдики, Зумрад хола кўшиқ билан бирга уйғонади. Ҳатто ухлаб ётган чоғларида ҳам миясининг уйғоқ бир бурчаги билан уни тинглаётгандай.

Кўшиқ унинг бутун вужудида шу қадар сингиб кетганки, ҳатто ёстиқдошидан қолган ёлғизгина хотира анаву қадрдон боғ-ундаги кекса дарахтлар бағридан ҳам эшитилаётгандай бўлаверади-бўлаверади. Оҳанглар жилоси Назиржоннинг муҳаббати билан омухта бўлиб томирларига кириб боради. Она змин унинг садоқатига жавобан, оёқлари остига гуллардан поёндоз тўшаб, кўнглида завқ-шавқ уйғотади, майин шабодалари билан аллалаб овутади.

Ҳаёлотда шундай лаҳзалар яратадики, улар бахшида этадиган қувонч, қаноат кишини ажиб бир гўшага рўбарў қилиб, садоқат аталмиш қалб қасрининг чарогон ва хашаматли хоналарига етаклаб кетади. Бу ажиб гўшада бутун умрга татигулик, севиқлиси билан ўтган ширин дамлари билан дийдорлашади.

Ҳеч қандай йўл билан тасалли топиб бўлмас аламлари чекиниб, қоронғу қалбда ҳаёт тонги ота бошлади. Кўзларида фасл умидининг шуъласи кўрилади. Лаблари пичирлаб, муножотнинг бу сеҳрли тўхфасига жавобан шукроналик изҳор қилади. Узоқ-узоқлардан эса мунгли кўшиқ таралмоқда.

Лаҳза-лаҳза чикдимۇ чекдим йўлида интизор Келди жон оғзимга ву ул шўхи бадхў келмади.

Муяссар УМИРОВА.

Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов туманининг Бобоҷонов кўчасида истиқомат қилувчи Суннат ота ва Инобат аялар хонадонини маҳалла аҳли жуда яхши билдилар. 50 йилдан бери аҳил ва иноқ яшаб келаётган ушбу оила бошқилари турмушининг пасту-баландларида бир-бирларига мадад ва ҳамфикр бўлганлар. Бу хислатлар улар тарбияланган фарзандларга ҳам ўтган.

Эндиликда фарзандлар ўз оилаларида ота-оналаридан олган андозаларини намуна қилиб, тотув ҳаёт кечирмоқдалар. Уларнинг ҳар бири оила маълумотга эга бўлиб, жамиятимиз тараққиёти йўлида ўзига хос улуш қўшмоқдалар.

Куни кеча ушбу оила аъзолари Инобат аянинг таваллуд кунларини нишонлашга йиғилдилар. Данагидан мағзи ширин деганларидек неварою эваралари тақдим этган гулдасталар аянинг кўчогини тўлдириб юборди. Ая эса бугунги ҳаётимизга шукроналик айтиб халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, оилалар тотулиги ва бахтини, болаларнинг саломатлигини давлатимиз раънақини тилаб дуо қилдилар.

Суратда: Инобат ая набралари даврасида.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Ўзбекистон телевидениеси тўрт улкан дастури ила миллионлар хонадонидида ҳар кўни меҳмонда. Одатимиз шунанга, бу машаққатли, айни вақтда, шарафли йўлда озми-кўпми ютукка эришилганини кўрсак, дарҳол кўлимизга қалам оламиз, фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишга ошиқамиз.

ТВ давр талабларига мос эстетик шакллари иштиро қилиши, муайян мазмундан келиб чиқиб телехикоянинг янги йўллари излаши, қўллаши зарурлигини бугун яна бир бор эслатиб ўтамиз. Бу йўлда меҳнат қилинаёпти, айрим ўринларда изланиш самара бераёпти. Хусусан, 18-19, 26-27 январ кунлари эфирга уза тилган «Айёмингиз муборак» мусикий дастури бизга ҳам завқ берди, ҳам айрим мулоҳазалар юритишга ундади. Зеро, унда моҳир ижрочилар ҳам, айни вақтда улар санъатининг қадрига етувчилар ҳам иштирок этдилар. Бу эса томошабин ижродангина эмас, уни қабул этиб, ором олаётган нозик дидли санъаткорлардан ҳам завқланган табиий. Бундай дамларда «Бобурнома» саҳифаларини эслашимиз ҳам табиий бўлса керак. Шоҳ ва шоир, санъат ҳомийи Бобур Шайхий Нойининг найни, удни ва гижжакни ўн икки - ўн уч ўшидан «хўб чалишини» айтиб ўтади-ди, диққатимизни бир суҳбат давомида намоеён бўлган икки-уч ижрога қаратади: «Бир навбат Бадиуззамон Мирзонинг суҳбатидида бир ишни наидан ўйиб чиқарур, Қул Мухаммад гижжакта ул ишни чиқара олмас. Дерким, гижжак нокис созду. Шайхий филхол Қул Мухаммадининг илкидан гижжакни олиб, ул ишни гижжакга хўб ва покиза чолур...» Каранг, ота-боболаримиз сизни кай тарзда чертганлар, тингловчи қанчалек талабчан, сезгир бўлган, созанда-дан ўртасида қандай бахс, сўз уйини, ижро усуллари ҳақида суҳбат бўлганни англайсиз. Бундай ҳаётий лавҳаларни аҳамияти шундаки, уни икки созанда икки созда турлича машқ қилиши: в) ижрочилар ўртасида ижодий баҳс бўлиб ўтиши; г) гап создагина эмас, созанда ҳам, деган хулосага келишга ундовчи мусикий мусобақа бўлишида. Ходира ТВда бу расм бўлган йўқ. «Айёмингиз муборак» дастурида ҳам барча ижро юқори савияда бўлмади. Фонограммага ўрганиб қолганлар даврада (фонограммаси!) ижрода анча қийналганлари кўзга ташланди. Мусиқали дастурнинг бир-бирдан машхур иштирокчилари ҳам фикр юритишар деб ўйлангандик. Лекин улар ўз муносабатларини сўз билан изҳор этмадилар. Бинобарин, бу ҳолни сценарий ёзилишида ҳам ҳисобга олиш дастурнинг янги типдаги бошловчисини бўлиши («Бобурнома»нинг биз келтирган лавҳаларида «бошловчи» хизматини Бадиуззамон ўтаган) лозим эди.

ТВ имкониятларини ёдда сақлаган ҳолда «Бобурнома»дан яна бир лавҳа келтирайлик. Унда мусиқа ва ундан завқ олиш иштиқиди бўлганларнинг ҳолати, айниқса, созанда Хусайн Удийнинг ижроси, «ноз ила чалиши» диққатимиз марказида бўлади. Лавҳани ўқиб Бобурнинг

Муносабат

кинояси, «бошловчи» хизматини ўтаган Шайхий Нойининг «бисёр ноз билан» сўз чертган Удийнинг жазолангани аниқ тасаввур этамиз. Хусайн Удий «удни мазалик чалиб, мазалик нималар айтур эди. Уднинг торларини яқка қилиб бу чалибтур. Айби бу эдики, бисёр ноз билан

да а) ижро «суҳбат» давомида, яъни созанданинг санъатини қадрлайдиганлар даврасида бўлгани; б) чолур эди. Шайхий Нойин бир навбат сўз буюрур, тақаллуф қилиб ҳам ёмон чолур, ҳам ўз сазини келтирур. Ярамас сўз келтирур. Шайхий Нойиннинг оламда бир яхши ишиким, бор бурдур фильоки хўб бурор. Ушмундук нозук мардакларга мундин кўпрак сазо керак».

Бу ўринда ТВ нуқтаи назаридан қараганда а) воқеа, мусиқа ижроси, «ярамас сўз келтирган», «бисёр ноз билан» сўз чертган санъаткор жазолангани - буларнинг барчаси «суҳбат» давомида содир бўлиши айниқса эйтиб борадиган лойик; б) иззат талаб созанда ўзининг ҳолусини эмас, ўзганин сазини «ноз билан», инжиқлик билан чалганидан норози бўлган Бобур (бу ўринда, ТВ таъбири билан айтганда, сценарий муаллифи хизматини қилган) ҳам ўз муносабатини аниқ билдиради («Уш мундук нозук мардакларга мундин кўпрак сазо керак»). Бобур Шайхий Нойиннинг умрида қилган бирдан-бир яхши ишиким бу, деб кино қилишини ўқиганимизда кулашим ҳам, нозик ижронини, тиниқ куйини, инсоний хулқ-атворини

Хар тўғрида БИТТАСИ ЎРНИГА ЎНТАСИ

Италия газеталарининг ёзишича, сўнги ойларида поштак шаҳар Римда дахшати одамхўр қаламушлар пайдо бўлган. Махлуқлар томонидан гажиб ташланган бир неча қурбонлар ҳам бор. Қаламушлар асосан ёш болаларга ҳужум қилишмоқда, деб хабар беради мамлакат газеталари.

6 ёшли Луини мактабдан хийбон орқага қайтаётиб, эндигина уйга етай дегандики, бутқлар орасидан пайдо бўлган 9 нафар улкан қаламуш қизчага ташланиб қолди. Ерданга унинг кўшини, 76 ёшли кампир етиб келганига қарамай, бадбах махлуқлар ўз ишини қилиб бўлишганди. Ачинарлики эса, бу дахшати манзара қизини мактабдан қайтишини дераза орқали кузатиб турган онанинг кўз ўнгида рўй берди.

Сўнги ойларида қаламушлар 7 ёшга бўлган 19 нафар болага ҳужум қилишди. Улардан тўрт нафарини қўтариб қолишга муваффақ бўлинмади, қолганлари ҳам оғир жароҳатлар олишган. Кемриувчиларнинг қатталиги 70 см.гача боради, оғирлиги 4 кг.дан ошқ. Ҳамиша тўда бўлиб ҳужум қилишарди. Қўлайишлари эса яшин тезлигида. Биттаси ўлдирилса, ўрнига ўнтаси пайдо бўлади.

«Биз ҳозир шаҳарда қанча қаламуш борлигини аниқ билмаймиз», дейди Рим солиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Анжелло Жирордани. «Эҳтимол мингта ёки юз мингта. Аниги шукки, биз биттасини ўлдирсак, ўрнига дарҳол ўнтаси пайдо бўлади. Ҳозирча бирор бир курашиш усулини қўллашга ҳам оғирлик қилиб турибмиз. Мутахассислар бу одамхўр қаламушларни қанализациялардаги оддий қаламушларни тақсис ахлатлар оқибатида ривожланган тури, деб баҳо беришмоқда.

Швейцария марказини ҳал қилувчи валюта деб ҳисоблайдилар. Иложи борича уларни ўз банкларига кўпроқ жалб қилишга интиладилар. Валюта бозор ҳўжалигида - бу товар, унинг ўз қиймати, нархи бор. Бир давлат ва

Валюта турли давлатларнинг фақат миллий пул билриги бўлмасдан, халқаро ҳисоб-китобда, қарз (кредит) ҳамда турли тўловлар учун мулжалланган ҳужжатларда ўз аксини топади. Ҳар қандай валюта-ни иккита асосий хусусия-

ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ



Бир корхона спортчилари

МАҚСАДИМИЗ - ОММАВИЙЛИК

Бир дона футбол тўпига уч минг сўм тўлаганимиздан кейин юзлаб спортчиларни кийинтириш масаласи оғир албатта. Биноларни таъмирлаш ҳам комбинат ҳисобидан. Айрим мусобақалар ва тўғрақлар ишини юришти учун комбинатда ишламайдиган кишилар учун пуллик хизмат ташкил этганмиш. Ускуналар ҳам шу ҳисобдан харид этилмоқда. Бизнинг мақсадимиз ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ва кўпчилики бўлиб завқли ўтказишлари учун шарт-шароитлар ярати беришдан иборат. Кўп йиллик тажрибамиз бор, келгусида спортмайдон байроқларини янада баланд кўтариш режалари билан иш юритмоқдамиз.

Темур ХАЙДОРОВ.

Сўраган эдингиз

ВАЛЮТА ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Швейцария марказини ҳал қилувчи валюта деб ҳисоблайдилар. Иложи борича уларни ўз банкларига кўпроқ жалб қилишга интиладилар. Валюта бозор ҳўжалигида - бу товар, унинг ўз қиймати, нархи бор. Бир давлат ва

лутаси қийматини бошқа давлат пул билриги билан алмаштириш, ҳисоблашиш, бу валюта курси дейилади. Агар давлатда иқтисодий ўзгаришлар жуда ҳам суст ва сиёсати барқарор бўлмаса, унинг валюта курси ўз-ўзидан пасаяди. АҚШда ҳам 1971 ва 1973 йиллар халқаро иқтисодий инқироз натижа-сида доллар девальвация қилинди. Халқаро саноат иш-лаб чиқаришида етакчи ўрини эгаллаб, ташқи савдо-со-тик, валюта, молия муноса-батлари ва банклар тизими-ни яхши тараққий этдирган давлат валютасига жаҳон бозорларида асосий ўринни эгаллади. Давлат агар ўзи ишлаб чиқараётган товарлар-ни жаҳон бозоридидаги шун-га ўхшаш мол-товарлардан сифатли ва арзон қилиб чи-қармаса, бу давлат ўз валю-тасини конвертация қилол-майди. Ҳар қандай давлат валютасининг курси пасайиб бора, пул қадрсизланади, товарлар эса қимматлашиб, аҳолининг қашқоқлишига олиб келади. Ҳар бир дав-лат валютаси - пули олтин ҳисобида ўз қийматига эга. АҚШ доллари 1786-йили жо-рий этилди. Доллар сўзи «ку-муш талвар»дан олинган. Та-лер қўллаб Европа давлатла-рида эркин муомаладаги пул билриги эди. Биринчи мар-та долларнинг қиймати 24,34009 грамм соф қумушга тенг эди. 1792 йили қўнуга асосан давлат бемитализм киритилди ва долларнинг ол-тин қиймати 1,60377 грамм соф олтинга тенг бўлди. 1928-1933 йиллардаги халқаро иқтисодий инқироз АҚШ-нинг олтин пул билригидан воз кенчишга мажбур қилди. 1933 йили АҚШ президенти фармонига асосан барча фу-қаролар олтинларни банк-ларга топширишди. Халқаро жаҳон валюта тизимида қес-кин ўзгаришлар туфайли

яна девальвация қилинди. Қиймати эса 10 фоизга ка-майди.

XV-XVI асрларда Ўрта Осиё (Мовароуннаҳр) худу-дида жойлашган Самарқан-д, Бухоро, Хисор шаҳар-лари тараққий қилиб, халқ ҳунармандчилиги ривож-ланиб, мис тангалар муо-малага чиқарилди. Самар-қанда 914 ҳўжрий (1508-1509) йиллари чиқарилган мис тангалар камиди беш йил муомалада бўлиб, сийқалангач, ўрнига янги мис тангалар чиқари-ларди. Уларнинг оғирлиги 5,1 граммдан 5,2 граммга-ча эди. Бир динорли мис танганинг оғирлиги 4,7 грамм, икки динорли мис танганинг оғирлиги 7-7,5 граммга яқин эди. «Пул» ибораси биринчи марта Тошкент худудида 1952 йиллар қазимида ишлар олиб борилган пайтда топ-пилган мис тангаларда ак-эттирилганлиги маълум бўлди. Бу мис тангалар 1504-1514 йилларда чиқарилган бўлиб, унинг юзи-да араб алфбосида уч сўз: «Бир пуллик танга» ёзу-ви бор эди. Буюк Брита-нининг машхур сайёҳи Антониий Дженкинсон 1558-1559 йиллари Бухоро шаҳ-рида яшаган. Унинг ёзи-шича, мис танга «пул» деб аталар экан. Бир мис тан-га пули, қумуш танганинг 120 дан бир бўлганини ёки мис динорнинг олтидан бир бўлганига тенг бўлган.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Юнусо-бод тумани Н.Носиров номли лицей мактаби то-монидан Мухамедова Гу-лора Ҳикматовна номига берилган № 298696 рақам-ли шаҳодатнома йўқол-ганлиги сабабли

бекор қилинди.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайвати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гуноҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими - А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сопушда эркин нархда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа концерни бошқармаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 22.00. Топширилди 23.00